

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.А.Аминов

Ўзбекистон Республикаси ҳукуқни муҳофаза қилиш академияси

“Прокурорлик фаолияти” магистратура тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15620088>

Аннотация. Мазкур тадқиқотда электр энергетика соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиниши ва ушибу соҳада прокурор назоратининг аҳамияти таҳлил этилган. Электр энергетикаси иқтисодиётнинг “мотори” сифатида давлат ва жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Шу боис, бу соҳада қонунлар ижросини таъминлаш, фуқаролар ва жамоат манбаатларини муҳофаза қилишида прокурор назоратининг роли бекиёсдир. Тадқиқотда соҳадаги назорат объектлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик механизmlари ҳамда прокурор назоратининг умумий, маҳсус ва жорий вазифалари аниқланиб берилган. Ҳисоботларда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиши ҳолатлари таҳлил қилиниб, мазкур қонунбузилишларни бартараф этиши бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар келтирилган. Электр энергетика соҳасида прокурор назоратини самарали ташкил этишида рақамлаштириши, платформа ва дастурий таъминотларни жорий қилишининг аҳамияти, шунингдек ҳалқаро ва трансчегаравий муносабатларнинг таъсирига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Умуман олганда, ушибу соҳада прокурор назоратининг комплекс, тизимили ва мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширилиши ҳуқуқий муносабатларда қонунийликни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, электр энергетикаси, қонун устуворлиги, ҳуқуқий асослар, назорат объекти, назорат предмети, ҳуқуқбузарликлар, давлат назорати, энергия самарадорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

МАҚОЛАНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Электр энергетикаси соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги улушкини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш ва, энг муҳими мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини сифат жиҳатидан яхшилашда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев электр энергетика соҳасидаги ишлар аҳволини чуқур таҳлил қилиш, соҳани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилашга бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, “электр энергетикаси иқтисодиётнинг “мотори” бўлиб, ижтимоий-иктисодий ривожланишни, умуман ҳаётни бу соҳасиз тасаввур этиб бўлмайди”.¹

¹ Электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш масалалари таҳлил этилди. 03.10.2018 // <https://president.uz/uz/2066>

Дарҳақиқат, электр энергетика соҳаси ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, аҳолининг фаровонлиги, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва мамлакатнинг хавфсизлигига катта таъсир кўрсатади.

Шу боис, электр энергетика соҳасидаги қонунлар ва уларнинг ижроси устидан прокурор назоратининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Прокурор назоратининг вазифаси фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини, шунингдек, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Бизга маълумки, прокурор назорати – давлат назоратининг муҳим шакли бўлиб, у муайян соҳадаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши устидан текширув олиб борадиган назорат органларидан фарқли равишда вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини назорат қиласди.

Прокуратура бошқа назорат қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда, улардан жиноятлар ҳақида ўз вақтида, ишончли ва тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга бўлади, бу эса прокуратурага назорат фаолиятини мақсадли ва самарали режалаштириш, қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифаларни ҳал қилиш учун кучларни мувофиқ равишда тақсимлаш имконини беради.

Назорат органларидан прокурорга келиб тушган маълумотлар, одатда, назорат текшируви обьектини танлашнинг асосини ташкил этади.

Шунингдек, ўзларига юклатилган ваколат ва вазифаларни сидқидилдан бажарадиган назорат органлари прокуратура томонидан доимо қўллаб-қувватланади. Акс ҳолда, прокуратура ушбу назорат органларига таъсир чораларини кўришга ваколатли хисобланади. Бу эса ижтимоий муносабатлардаги қонун устуворлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Прокуратура ўз назорат фаолиятини амалга оширап экан, назорат қилувчи органларнинг фаолиятдаги камчиликларини бартараф этади, давлат ва жамият қонуний манфаатларига зарар етказилиши ҳамда коррупцион ҳукуқбузарликларнинг олдини олади.

Юридик адабиётларда прокуратура органлари билан бошқа назорат ва текширувни амалга оширадиган давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ижобий жиҳатлари ҳақида фикрлар билдирилган.

Ҳукуқшунос олим А.Ю.Винокуров прокуратура органларининг бошқа назорат қилувчи ва текширувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги прокуратура фаолиятини ташкил этишининг муҳим элементи эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, прокуратура органлари улар билан яқин ҳамкорликдагина қонун устуворлигини мустаҳкамлаш борасида янада юқори натижаларга эриша олади.²

Шунингдек, Ш.Ж.Рахимов ҳам ўз тадқиқот ишида жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга оид ҳукуқларни ҳимоя қилишга эътибор қаратган ҳолда

² Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учебник. – М., 2011. – С. 133.

жамоатчилик ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш ҳам прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири бўлиши кераклигини таъкидлайди.³

Ҳукуқшунос олим, Л.Ю. Акимов электр энергетика соҳасида прокурор назоратининг мақсади – давлат ҳокимият органлари томонидан электр энергетика соҳасида тартибга солиш, назоратни амалга оширишда қонунларга риоя этилиши, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг электр энергияси билан таъминланиши, электр энергетика субъектлари томонидан хўжалик фаолиятида қонун устуворлигини, фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиниши таъминлашдан иборат эканлиги тўғрисидаги илмий қарашларни илгари сурган.⁴

Професор В.Б. Ястребовнинг фикрича, ушбу йўналишда прокуратуранинг асосий вазифаси қонун бузилишларнинг ўз вақтида аниқланиши, бартараф этилиши ва олдини олинишини таъминлашдан иборат.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг бир қатор соҳавий буйруқларида ҳам назорат органлари ва прокуратура ўртасидаги ҳамкорлик масалаларида тегишли кўрсатмалар берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 160-сонли буйруғида қонун бузилишларни аниқлаш ва олдини олиш борасидаги фаолиятни амалга оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти, ҳуқукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш чоралари кўрилиши, прокуратура органларининг ушбу органлар фаолиятига ноқонуний аралашувига ёки уларга юклатилган вазифа ва функцияларнинг ижрочи сифатида бажарилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида кўрсатмалар берилган.

Бизнингча, электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини самарали ташкил қилиш мақсадида ушбу соҳадаги назорат органлари ва прокуратура ўртасидаги ҳамкорлик қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ: қонун бузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги маълумотларни алмашиш, маҳсус масалаларни ҳал қилишда назорат органлари вакилларининг ҳуқуқий хужжатлар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши ва бошкалар.

Ҳамкорлик жараёнида прокуратура назорат органлари ўрнини босмаслиги, уларнинг назорат вазифаларини бажармаслиги керак. Прокурор бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган хужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини назорат қилиши лозим.

Электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мақсадлари ва вазифалари мазкур соҳадаги муносабатлар прокурорлик назорати учун

³ Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура академияси. 2022 й. – 22 бет.

⁴ Акимов Л.Ю. Деятельность прокуратуры по обеспечению законности в сфере электроэнергетики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010. – С. 90-91.

⁵ Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: Учебник. М., 2001. С.8.

қонунда белгиланган умумий тамойиллар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмаларига асосланади.

Таҳлиллар натижасига кўра, энергетика соҳасига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг **мақсади** ушбу соҳада қонун устуворлиги мустаҳкамланиши, электр энергиясини истеъмол қилувчиларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси таъминланишига эришиш деган ғояни илгари сурамиз.

Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, прокурор назоратининг вазифалари борасида кўплаб ҳукуқшунос олимлар ўз фикрларини билдиришган. Бизнинг фикримизча, прокурор назорати мақсади билан унга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган, аниқ ҳаракатларда ифодаланадиган прокурор назорати вазифалари узвий боғлиқ бўлиб, бир бирини тўлдириб боради.

Хусусан, Б.Пўлатов “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари прокурорлик назоратининг ҳар бир соҳаси доирасида аниқ вазифалар орқали амалга оширилади. Назорат соҳаларининг асосий вазифалари давлатнинг олий ҳокимият ва бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқади, улар эса асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ва йўриқномаларида ўз аксини топади”⁶, деган илмий қарашларни билдирган.

Л.Акимов ўз тадқиқот ишида “энергетика соҳасида прокурор назоратининг вазифаларини уч гурухга, яъни умумий маҳсус ҳамда жорий (аниқ) вазифаларга ажратган. Хусусан, умумий вазифалар – прокуратура органлари томонидан назорат соҳасидаги барча фаолият йўналишларида ҳал этиладиган вазифалар ҳисобланниб, уларга Конституцияда мустаҳкамланган жамият ва давлат тузумини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини муҳофаза этиш ва бошқалар киритилади.

Маҳсус вазифалар – прокурор назоратининг муайян тармоқлари доирасида ажратиб олинадиган аниқ фаолият шакли (йўналиш, соҳа) доирасида ечиладиган вазифалардан иборат.

Жорий вазифалар – муайян вазиятдан келиб чиқадиган, вақтинчалик ҳарактерга эга ва аниқ шарт-шароит, қўлланиладиган ҳукуқий воситалар турига боғлиқ бўлган вазифалар ҳисобланади. Маҳсус ва хусусий вазифалар Бош прокурорнинг раҳбарий кўрсатмаларида белгилаб берилади”.⁷

Ф.Рахимов ҳам прокурор назоратини амалга оширишдаги вазифаларни прокурор назорати мақсадидан келиб чиқишини таъкидлаб, уларни умумий, маҳсус ва хусусий вазифаларга ажратади.⁸

⁶ Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: «O’zbekiston», 2009. – Б. 54.

⁷ Акимов Л.Ю. Деятельность прокуратуры по обеспечению законности в сфере электроэнергетики: Дисс. канд. юрид. наук. – Москва, 2010. – С. 90.

⁸ Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2008. – Б. 95-98.

Биз ҳам ушбу олимларнинг илмий қарашларига қўшилган ҳолда, электр энергетика соҳасида прокурор назоратининг вазифаларини уч турга бўлган ҳолда тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

Фикримизча ушбу соҳадаги умумий вазифалар сифатида қуидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

– ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш, талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, бу борада давлат назоратини кучайтириш орқали қонун талабларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш чораларини кўриш;

– назорат остидаги обьектларда қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва бевосита амалга ошириш, шунингдек, мазкур обьектлар ҳуқуқий хужжатларининг қонунийлигини ўрганиш.

Таъкидлаш жоизки, электр энергетика соҳасида назорат обьектлари тури, уларнинг фаолият туридан келиб чиқиб умумий вазифалар кенгайиб бориши мумкин.

Махсус вазифалар прокурор назоратининг муайян тармоқлари доирасида ажратиб олинадиган аниқ фаолият йўналиши, соҳа доирасида белгиланиб, аниқ стратегик мақсад кўзланган бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2024 йилдаги “Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча-чора тадбирлар тўғрисида”ти қарорига ҳудудлар ва тармоқлар кесимида энергияни тежаш дастурлари ишлаб чиқилди.

Қарор ижросини таъминлаш, қабул қилинган дастур асосида энергия ресурсларини иқтисод қилинишини таъминлаш мақсадида прокуратура органларига махсус топширик берилди.

Шу асосда, Бош прокуратура ва барча ҳудудларда штаблар ташкил этилиб, энергия ресурсларини иқтисод қилиниши устидан кунлик назорат ўрнатилди, фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида эса махсус платформа ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари муайян вазиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланадиган жорий ёки аниқ вазифаларни ҳам амалга оширади. Бу ҳуқуқий муносабатларнинг ушбу соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш муаммосининг маълум бир даврида юкори даражада ахамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мисол учун, таҳлилларда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш бўйича расмийлаштирилаётган далолатномалар қонуний қарор қабул қилиш учун узоқ муддат мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилмаётганлиги маълум бўлган.

Шу асосда, Бош прокуратура раҳбарияти топшириғи асосида “Худудий электр тармоқлари” ва “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятларида энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қоидабузарликларни расмийлаштирилишининг қонунийлиги ўрганилган.

Аниқланишича, 2024 йилнинг 9 ойида таъминот корхоналари томонидан расмийлаштирилган жами 21 727 та далолатномалар (электр – 12 256, газ – 9 471) қонуний

қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилмасдан, белгиланган тартиб талаблари қўпол равишда бузилган.

Оқибатда, таъминот корхоналари томонидан етказилган зарар миқдорини ҳисоблашда қонунчилик талабларига риоя этилмаган, электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш юзасидан 73,2 млрд. сўмлик ҳамда табиий газ бўйича 16,7 млрд. сўмлик истеъмол ҳажми ҳисоб - китоб қилинмасдан қолган.

Бундан ташқари, таъминот корхоналари томонидан қоидабузарлик ҳолатлари бўйича далолатномаларнинг қатъий ҳисоби юритилмаган.

Ўз навбатида, тизим корхоналарида амалдаги қонунчилик талаблари бажарилмасдан, қоидабузарлик далолатномалари қатъий ҳисобини юритиши, расмийлаштириш ва қайта ҳисоб - китобни амалга ошириш борасидаги фаолиятда хатар даражаси юқори бўлсада, комплаенс хизмати томонидан ушбу коррупцион хавф - хатарлар аниқланмаган ҳамда бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

Хусусан, юқоридаги жараёнларни рақамлаштириш ва коррупцион хавфларни олдини олиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.02.2023 йилдаги “Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 54 - сонли Қарори ижроси таъминланмасдан, ҳуқуқбузарлик далолатномаларини электрон шаклда расмийлаштириш учун “E-Dalolatnoma” дастурий фаолияти йўлга қўйилмаган.

Оқибатда, тизим корхоналари ходимлари томонидан 2023-2024 йилларда жами 95 та коррупцион жиноятлар содир этилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, юқоридаги қоидабузилиш ҳолатларига йўл қўйган таъминот корхоналари ходимларига нисбатан 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди, 9 нафар ходимлар маъмурий, 82 нафари интизомий жавобгарликка тортилиб, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 49 та тақдимномалар киритилди.

Бундан ташқари, ўрганиш якунига кўра 7 919 та материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган, материаллар юзасидан 142 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 3 202 та маъмурий ишлар юритилган, 1 842 та далолатномалар бўйича 18 млрд. сўм қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилиб, 22,3 млрд. сўм заарнинг ундирилиши таъминланган.

Шу ўринда прокуратура органлари томонидан электр энергетика соҳасида қонунлар ижросини таъминлашда белгиланган аниқ вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши белгиланган мақсадларга эришилишида асосий омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш жоиз.

Чунончи, тақдимнома асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизими корхоналарида ҳуқуқбузарлик далолатномаларини электрон шаклда расмийлаштириш учун “E-Dalolatnoma” дастурий фаолияти тўлиқ ишга туширилиб, коррупцион хавф-хатарларнинг олди олиш чоралари ишлаб чиқилган (“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 15.01.2025 йилги 01-04/44/55-сон ахбороти).

Тадқиқот натижасида электр энергетика соҳасида прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари сифатида, қуйидагиларни белгилаш тўғрисида хулоса қилиш мумкин:

– ушбу соҳадаги хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив хуқуқий хужжатлар сонининг кўплиги (хозирда ушбу соҳада 300 дан ортиқ қонунчилик хужжатлари қабул қилинган);

– соҳада фаолият юритувчи таъминот корхоналари тизимининг мураккаблиги (тизим корхоналари сонининг кўплиги, идоравий бўйсунув) ва берилган ваколатларнинг ўзига хослиги, бевосита назорат объекти бўлмаган вазирлик, идоралар, корхоналар ҳамда уларнинг тузилмалари фаолияти устидан ҳам (энергия ресурсларидан фойдаланиш, энергия тежамкорликка риоя этиш, қиши мавсумини беталофат ўтказиш каби)

прокурор назоратининг ўрнатилиши;

– соҳада вужудга келувчи хуқуқий муносабатларнинг турли туманлиги, қонунийликни баҳолашда кўриб чиқиладиган масалаларнинг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги.

– таъминот корхоналарининг хўжалик юритувчи субъект, яъни акциядорлик жамияти шаклида эканлиги, шу сабабли улар фаолияти устидан прокурор назоратини тўғридан-тўғри амалга оширишда мураккабликларнинг мавжудлиги;

– табиий ресурсларнинг чекланганлиги сабабли электр энергиянинг генерацияси жараёнларининг мураккаблиги, яъни қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишга бўлган эҳтиёжнинг тобора кўпайиб бораётганлиги;

– электр энергиясини истеъмол қилиш прогнозининг иқлим шар ва мавсумга қараб ўзгарувчанлиги, шунингдек ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка хажмининг мавсумий ёки аномал хусусиятга эгалиги, ошиб бориши;

– етказиб берилган электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобини юритишнинг мураккаблиги, бу жараённинг “биллинг” дастури орқали (кўп функцияли) бошқарилиши;

– таъминот корхоналари томонидан фаолиятни амалга оширишда турли хил рақамлаштириш билан боғлиқ дастур ҳамда платформаларнинг жорий этилиши;

– электр энергиясини етказиб беришдаги трансчегаравий масалаларнинг мавжудлиги, яъни қўшни давлатлар билан электр энергиясини импорт ҳамда экспорт қилиш билан боғлиқ халқаро муносабатлар билан узвий боғлиқлиги.

Фикримизча, электр энергетика соҳасида қонунлар ижросини таъминлаш, назорат объектларининг ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда юклатилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажариш орқали таъминланади.

Фикримизча, электр энергетика соҳасида қонунлар ижросини таъминлаш, назорат объектларининг ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда юклатилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажариш орқали таъминланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш масалалари таҳлил этилди. 03.10.2018 // <https://president.uz/uz/2066>
3. Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учебник. – М., 2011.
4. Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура академияси. 2022 й.
5. Акимов Л.Ю. Деятельность прокуратуры по обеспечению законности в сфере электроэнергетики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010.
6. Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: Учебник. М., 2001. С.8.
7. Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ.
8. – Т.: «O’zbekiston», 2009.
9. Акимов Л.Ю. Деятельность прокуратуры по обеспечению законности в сфере электроэнергетики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010.
10. Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2008.